

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 5



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2022-5>

Бош мухarrир:
Тухtasинов Илхом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош мухarrир Уриибосари:

Главный редактор:
Тухtasинов Илхом
д.п.н., профессор (Ўзбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик (Ўзбекистон)

Якуб Умаровли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжан)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мишудин Ким
ф.ф.д., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жураев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умарходжаев Мухтар
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Хамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик (Ўзбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азарбайжан)

Бокиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Мишудин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умарходжаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Болтабоев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Лиходиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Шукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек
оғв. секретарь, доцент (Ўзбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minudin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

PageMaker | Верстка | Сахифаловчи | Хуршид Мирзаамедов

Контакт редакций журналов, www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Tel: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

20. Сабина Авазжоновна Махмудова Ж. ОЛДРИЖНИНГ «I DON' T WANT HIM TO DIE» (“МЕН УНИНГ ЎЛИШНИ ХОҲЛАМАЙМАН”) РОМАНИДАГИ “ЎЗИНИКИ /БЕГОНА” КОНСЕПТУАЛ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ “БОШҚА – ЎЗИНИКИ – ДЎСТ” ТРИАДАСИГА АЙЛАНТИРИШ.....	108
21. Dalieva Madina Khabibullaevna THEORETICAL FEATURES OF POLYSEMY IN LINGUISTIC TEXTS.....	114
22. Кулиева Дилшода Алижон кизи “КОДЕКС КУМАНИКУС” ҚЎЛЁЗМАСИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.....	121
23. Ашуров Мўмин Умаржонович КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЯНГИ ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА ВА УНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ....	130
24. Ҳамраев Дилшод Ҳамдамович “ТАРКИБАДАХШОН” ДОСТОНИ СЮЖЕТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА БАДИИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	137
25. Mahkamova Shohida Rahmatullayevna TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA KLASTER TIZIMI.....	143
26. Қурбонов Бобур Чоршанбиевич “МАЖОЛИС УН-НАФОИС”НИНГ ДАРИЙ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА.....	147
27. Умед Караев ЭНГ ҚАДИМИЙ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР АЙРИМ НАМУНАЛАРИ ҲАҚИДА.....	152
28. Пулатова Диёра Фарход кизи ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ АМЕРИКАНСКОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ САТИРИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	160
29. Расулева Нигина Алишеровна ҒАРБ ВА ХИТОЙ АДАБИЁТИДА ИЛМИЙ ФАНТАСТИКА ЖАНРИ: ЎХШАШЛИК ВА МУШТАРАКЛИК.....	169
30. Астанова Гулнора Аминовна МИСР ҲИКОЯТЛАРИДА ШАРҚОНА МЕНТАЛИТЕТ.....	176
31. Абулкасимова Нодира Мирзакаримовна РОЛЬ ЭВФЕМИЗМОВ В РЕПРЕЗЕНТАЦИИ КОНЦЕПТА “WAR”.....	182
32. Саримсоков Сирожиддин Шойзокович АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАНИНГ ТАВСИФИ ХУСУСИДА.....	193
33. Хотамова Парвина Илхомовна ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАР ТИЗИМИДА СУБСТАНЦИАЛ ПОСЕССИВ ВА КВАЛИФИКАТИВ ПОСЕССИВ СИНТАКСЕМАЛАРНИ ФАРҚЛАШ УСУЛЛАРИ.....	199

ISSN 2181-9297
www.tadqiqct.uz

Астанава Гулнора Аминовна,
Бухоро давлат университети, ўзбек
тилшунослиги ва журналистика кафедраси
доценти, филология фанлари доктори.
guli4803@mail.ru

МИСР ҲИКОЯТЛАРИДА ШАРҚОНА МЕНТАЛИТЕТ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7038313>

АННОТАЦИЯ

Дунё цивилизацияси тараккиётга ўз хиссасини қўшган ҳар бир дурдона адабий асарнинг ўз тарихи ва залвори мавжуд. Миллат ва элатлар маданиятига таъсир этиб улгурган бундай сбида асар гўлалигича тарихга айлангандек бўлиб кўринса-да, у ёки бу гарзда бугунги кун бадий ижодида ҳам ўз жилосини намоён этиб туради. Унинг нодирлиги ҳам ана шунда кўринади. Шарқ халқлари – хиндлар, форслар, арабларнинг гуллаган ижодий хаёлининг бекиёс кучини намойиш этадиган “Минг бир кеча” асари ҳам ана шундай нодир адабий ёдгорликдир.

Мазкур мақола асардаги Миср ҳикоятларига дахлдор эртақлар тадқиқига бағишланган бўлиб, эртақларнинг ранг-баранглиги, бадий тасвир воситаларидан самарали фойдаланганлиги, қахрамонлар хулқ-атверининг жозибадорлиги асарнинг ўзига хос услуби жанлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: “Минг бир кеча”, ҳикоят, ривоят, Миср, арабий, Кохира, Бағдод, таҳлил.

Астанава Гулнора Аминовна,
Бухарский государственный университет
доцент кафедры узбекское языкознание
и журналистики, доктор филологических наук.
guli4803@mail.ru

ВОСТОЧНАЯ МЕНТАЛИТЕТНОСТЬ В ЕГИПЕТСКИХ ИСТОРИЯХ

АННОТАЦИЯ

Каждый литературный шедевр, внесший вклад в развитие мировой цивилизации, имеет свою историю и историю. Хотя такой памятник, повлиявший на культуру нации и народа, кажется, полностью ушел в историю, так или иначе он продолжает проявлять свой блеск в сегодняшних художественных творениях. И в этом его шедевр. Произведение «Тысяча и одна ночь» является таким редким литературным памятником, в котором показана несравненная сила расцвета творческой фантазии народов Востока — индийцев, персов, арабов. Данная статья посвящена изучению сказок, связанных с египетскими сюжетами в произведении, и анализируется, что разнообразие сказок, эффективное использование художественных

образов, привлекательность поведения персонажей составляют неповторимый стиль произведения.

Ключевые слова: «Тысяча и одна ночь», рассказ, повествование, Египет, арабский, Каир, Багдад, анализ.

Astanova Gulnora Aminovna,
Bukhara State University
Associate Professor of the Department
of Uzbek Linguistics and Journalism,
doctor of philological sciences.
guli4803@mail.ru

EASTERN MENTALITY IN EGYPTIAN STORIES

ANNOTATION

Each literary masterpiece that has contributed to the development of world civilization has its own history and history. Although such a monument that influenced the culture of the nation and people seems to have completely disappeared into history, one way or another it continues to show its brilliance in today's artistic creations. And this is its masterpiece. The work "A Thousand and One Nights" is such a rare literary monument, which shows the incomparable power of the flourishing of the creative imagination of the peoples of the East - Indians, Persians, Arabs. This article is devoted to the study of fairy tales related to Egyptian plots in the work, and it is analyzed that the variety of fairy tales, the effective use of artistic images, the attractiveness of the characters' behavior make up the unique style of the work.

Key words: "A Thousand and One Nights", story, narration, Egypt, Arabic, Cairo, Baghdad, analysis.

Тарих саҳифаларидан маълумки, Мисрни (1250–1517) ўрта асрларда мамлуқлар сулоласи бошқарган. 1250 йилда мамлуқ ҳарбий бошлиқлари айюбийларни тахтдан ағдариб ҳокимиятни қўлга олган эди [10]. XIV–XVI асрларда Мисрда пайдо бўлган шафқатсиз тузум мамлакатдаги ижтимоий муҳитга жуда катта таъсир кўрсатди. Мамлуқларнинг бюрократик мамлақати жамият ҳаётининг барча томонларини қаттиқ назорат қилар эди. Мамлакатда ҳукм сурган руҳий ва ижтимоий эзилиш бадий ижодда, биринчи навбатда халқ оғзаки ижодида ўз аксини топди. Буни биз “Минг бир кеча” эртақларининг охири яратилган ҳикоятларида кўришимиз мумкин, чунки Бағдод ҳикоятларига қараганда “Минг бир кеча”нинг Миср ҳикоятлари XIV–XVI асрлардаги Миср шаҳарларининг ҳаётини кенгроқ ёритиб беришини кузатиш мумкин. Асардаги “Вазир Нуриддин билан унинг биродари ҳикояти”, “Аловуддин Абу Ашшамот ҳақидаги ҳикоят”, “Али Нуриддин ва Марям зуннория ҳақидаги эртақ”, “Абуқир ва Абусир қиссаси”, “Маъруф Аскофий қиссаси”, “Аловиддин ва сеҳрли чирок ҳақидаги ҳикоят”, “Али Шор ва Зумуррад ҳақида ҳикоят”, “Ажиб ва Ғариб ҳикояти”, “Масрур ва унинг маъшуқаси Зайнулмавосиф” каби ҳикоятлар Мисрда яратилган ҳикоятлар сирасига киради. Чунки, Миср ҳикоятлари узок давом этувчи воқеалар кетма-кетлигидан иборат, айрим ҳолларда у қаҳрамоннинг бутун ҳаётини баён этади. Унда шаҳарликларнинг дунёқароши, амалдорларнинг мансабни суистеъмол қилиши, уларнинг халқ аҳолига эътиборсизлиги ёритилади. Айрим Миср ҳикоятларида қадимий миср фольклор матнларини учратсак-да, умуман олганда, ушбу асарнинг миср ҳикоятлари мамлуқ султонлари бошқарув даврини ўзида акс эттиради. Миср ҳикоятларининг умумий мазмуни зулмкор ҳукмдорларга нисбатан қаҳр, ғазаб, шаҳар меҳнаткашларига нисбатан эса раҳмдиллик назари билан қараш элементини кузатамиз. Бундан ташқари мисрча ҳикоятларда кўпинча бош қаҳрамон сифатида савдогар ёки хунарманд образи гавдалантирилади. Чунки, ўша даврда мамлуқларнинг сиёсати халққа маъқул бўлмаса-да, савдо ва хунармандчилик ривожланган эди.

Мисрча “Вазир Нуриддин билан унинг биродари ҳикояти” [1;154] да асар қаҳрамони ўз ўғлига шаҳарлик савдогар сифатида бешта ўғит беради: “Ҳеч ким билан дўстлашма, ҳеч кимни хафа қилма, сукунат сакла, шароб ичма, пулни тежа” [1;162].

Бундай ўғитлар ўз-ўзидан эмас, чунки савдогарлардан ўз ҳукмдорлари ҳақида ёмон фикр эшитган амалдорлар улардан ҳар хил баҳона ва усуллар билан пул ундириб олар эдилар, вафотидан сўнг эса унинг бор-будини мусодара қилишар эди [2;160].

“Аловуддин Абу Ашшамот ҳақидаги ҳикоят [7;306] да қаҳрамонлардан бири Миср савдогарлари бошлиғининг ўғлини мол билан Бағдодга жўнатади. Унинг фикрича, “Савдогар боласининг фахри шундаки, улар фойда олиш мақсадида саёҳат қиладилар”, – дейди. Ўз касби ҳақида эса “бозорда ўтириб савдо қилиш учун қағъиятлик ва барча ҳолларда устунликка эга бўлиш қобилияти керак”, [7.320]– дейди. Аммо бундай хусусиятларни муаллиф амалдорларда кўрмаслигини, боз устига кўпинча миршаблар томонидан кўп хатога йўл қўйиладиган ҳикоятлар ҳақида сўзлаб беради. Муаллиф ҳикоят қаҳрамони ўлимдан қандай қилиб қутулиб қолганлигини завқланиб баён этади, яъни қаҳрамоннинг дўсти ўтмишдаги жиноятчи аини дамда миршаб бошлиғи, унинг ўрнига бошқа маҳбусни осганлигини ва дўстига қочишга ёрдам берганини ёзади. Муаллифни саволнинг маънавий томони қизиқтирмайди, чунки у китобхонга ўша давр ҳаёти нуқсонларини очиб бермоқчи. Муаллиф амалдорларни айбламай туриб, уларни товламачилар қандай қилиб алдаб, оғир вазиятдан чиқиб кетишини баён этади. Мана шундай лавҳаларга нисбатан “Айнан шулар орқали Миср ҳикоятлари кўпчилик ҳолларда Бағдод ҳикоятларига нисбатан Европача ҳикоятларни эслатади”, – дейди И.Фильштинский [3;561].

Миср ҳикоятларининг қаҳрамони одатда савдогар ёки камбағал ҳунарманд, у унчалик ўқимишли бўлмасда, ақли ва зукко бўлганлиги сабабли охир оқибатда юқори мартаба ва бойликка эришади. Бунга “Маъруф Аскофий” ҳамда “Аловуддин Абу Ашшамот қиссаси” ёрқин далил. Ҳикоят бош қаҳрамони Маъруф – камбағал этикдўз, иккинчи ҳикоят қаҳрамони Аловуддин – савдогар.

“Минг бир кеча” ҳикоятларининг энг ёрқин эртакларидан бири бўлган “Маъруф Аскофий” [7;320] да сирли тилсимот ва омад муаммолари сал бошқача ёритилган. Ҳикоятнинг бош қаҳрамони қоҳиралик камбағал этикдўз баджаҳл хотин дастидан шаҳарни ташлаб қочишга мажбур бўлади.

Ушбу қизиқарли кетма-кетликка эга ҳикоят сюжети кулгили воқеаларга ва ҳаётий реал лавҳаларга бой. Ҳикоят қаҳрамонлари оддий, тизимли тарзда яратилган қаҳрамонлардан иборат эмас. Улар аниқ мустақил характерларга эга қаҳрамонлар. Айнан шундай бош қаҳрамон Маъруф соддадил ва саҳий, аммо шу билан бирга салгина айерлиги бор.

Асарда сирли ғаройиботлар ўзгача чирой бағишлайди. Унинг ортида эса ўрта асрлардаги араб мусулмон шахрининг ўзига хос муносабатлари камбағал ҳунармандлар, майда ва йирик савдогарлар ҳамда амалдорларнинг муносабатлари ёритилган. Миср эртакларига хос барча саргузаштларни кераклигича яқунлаш ҳикоят охирида ўз аксини топган.

Боғдод фольклорининг элементларини ўзида мужассам этган мисрча “Аловуддин Абу Ашшамот ҳақида ҳикоят” мураккаб лавҳаларни ўзида мужассам этган. Эртак қаҳрамонини муаллиф томонидан ўрта асрлардаги савдогарлар қандай хусусиятларга эга бўлсалар, барчаси билан уни тақдирлаган: у – савдо ишларида таваккал қила оладиган, маданият борасида қаттиққўл ва ориятли. Шу билан бирга, у ислом ақидаларини чакқонлик билан ўз фойдасига қўллайдиган шахс сифатида кўрсатилади.

Албатта, кўпчилик ҳиндча, эронча келиб чиқишга эга бўлган анъанавий эртаклар мисрча эртакларга ҳам асос бўлган. Айнан шундай ҳикоятларда ҳаётий ҳақиқат ўрнининг ўсиб бориши, оилавий саҳна ва тафсилотларнинг кўриниши ўрта асрлар охиридаги Миср шаҳарларининг аниқ ҳаётий лавҳаларини ёритади. Ҳикоятларда ижтимоий мотивлар ҳам яққол намоён бўлади: кўпчилик эртакларда қаҳрамон родини ижодкорлиги ва ақл идроки билан омадга эришувчи оддий камбағал ҳунарманд ёки савдогар ўйнайди. (“Абукир ва Абусир қиссаси” [6;269], “Маъруф Аскофий қиссаси” [6;532] ва бошқ.) Миср эртакларининг яна бир ўзига хос кўриниши фантастика элементларининг иккинчи даражага қўйилишидир. Булар

Эрон фольклорининг эркин руҳида эмас, балки хўжайинининг ҳукмини сўзсиз бажарадиган, яхши ва ёмон ҳукмдорнинг сеҳр ишларини бажарувчи жин ва дев персонажларидир. Улар уддабурон бўлишига карамай, буткул одамзодга бўйсундирилган. “Бундай мифларнинг яратилишига сабаб: ўрта асрларда Мисрдаги қаттиқ тузум мамлукларнинг давлат учун кураши ва бошқарувининг бюрократик тузилишидир,” – дейди И.М.Фильштинский [2;561]. Бирок И.М.Фильштинский айтганидек, биринчидан, сеҳр ва жоду ишларининг лавҳаларда акс этиши нафақат Мисрдаги қаттиқ тузум ва иккинчидан, эртақлардаги сеҳр - жоду ишларининг иккинчи планга қўйилиши, нафақат Эрон фольклорига хос, балки Ислом ақидалари, қолаверса Қуръон оятларидаги жин ва шайтонлар ҳақидаги маълумотлар таъсири дейиш ҳам мумкин. Бу эса ислом дини ҳукм сурган даврларда пайдо бўлган эртақларга хос услуб эканлигидан кўз юмиб бўлмаслигидан далolatдир.

Шунинг учун ушбу эртақ қаҳрамонларининг тилсимотларга эҳтиёжи ўз кўламига кўра катта бўлса-да, аммо оддий шаҳарликлар эҳтиёжларига мос эди. Улар сеҳрли кучлардан кўпчилик ҳолларда олтин ва қимматбаҳо тошлар ҳамда мансаб талаб қилишади. Албатта, сеҳрли кучлар ўз хўжайинининг мулки ва шахсини бошқалардан асраши керак. Шу билан бирга эртақ қаҳрамонлари ва уларнинг фантастик ёрдамчилари хоҳиши табиий равишда қўшилиб кетадики, бу сеҳрли ва реал дунёлар органик бирлигини ташкил этади.

Миср ҳикоятларига мисол қилиб, “Аловиддин ва сеҳрли чирок ҳақидаги ҳикоят” [4;69] ни, “Маъруф Аскофий киссаси” [6;532] ҳамда “Абдулло бадри ва Абдуллоҳ баҳри” [6;307] ҳақидаги эртақларни олишимиз мумкин. Уларда ҳар хил кўринишда шаҳарликларнинг энг севимли сюжети – сирли равишда бойиб, кўтарилиб кетган камбағал ҳақидаги ҳикоят ёритилади.

Сеҳрли кучлар муҳим рол ўйнаган яна бир эртақ “Аловиддин ва сеҳрли чирок ҳақидаги ҳикоят” [4;69] дир. Ушбу эртақни асосини буйруқка сўзсиз бўйсунадиган жин, сеҳрли тилсимот ташкил этади.

Бош қаҳрамон Аловиддиннинг характери ўзгарувчан бўлиб, бу ҳар бир ҳолатда қайтиб туғилади. Эртақнинг бошида у эринчоқ, дангаса, содда ва енгилтак йиғит бўлиб кўрингани билан ҳикоят давомида Аловиддин ўзидаги янги қирраларни очиб боради [4;89]. Натижада халқ дostonларидагидек, жангчи қаҳрамонга айланади. Ҳикоятда бир шахснинг ўзида халқнинг орзуси бир неча кўринишларда намоён бўлади. Қолган образлар эса, бир хил. Фақатгина Аловиддиннинг онаси ҳақиқатга яқин қилиб олинган, у ўзининг хавотирлари, оналик вафоси билан ёритилган, холос.

Жин, дев ва парилар образи мисрча эртақларнинг ҳаммасида ҳам мавжуд эмас. Уларнинг айримида фантастика умуман бошқа кўринишга эга. Унда ҳаётий ҳақиқат, фантастика ва уйдирма белгилари мужассам бўлади. Бунинг мисолида – “Абдулло бадри ва Абдуллоҳ баҳри” [6;306] эртақини кўришимиз мумкин. Камбағал, аммо ориятли балиқчи Абдуллоҳнинг тўрига денгиз қироллигининг намоёндасидан бири, ислом тарғиботчиси Абдуллоҳ исмли киши тушади. Воқеалар жараёнида асар қаҳрамонларининг бир- бирига совғалар алмашиши лавҳаларини кўриш мумкин. Ушбу совғалар билан алмашинувда араб савдогарларининг бошқа мамлакатлар билан қилган савдосининг ҳаққоний лавҳаси акс этганини кўриш мумкин.

Тўпламдаги миср ҳикоятлари туркумига “Абукир ва Абуфир ҳақида эртақ” [6;269] ҳам киради. Унинг қаҳрамонлари Абуфир – сартарош, Абукир эса – бўёқчи, икки хунарманд. Искандарияда яшовчи икки қўшни қимки иш топса, бошқасига ёрдам беради, деган шарт билан саёҳатга чиқишади. Ҳар хил шароитларининг юзага келиши натижасида иккала қаҳрамон ўз характерларини намоён қилишади. Натижада ҳалол, меҳнатсевар ва меҳрибон Абуфирга тақдир кулиб боқади. Дангаса, баджаҳл Абукир эса шармандаларча қагл этилади. Ундаги юз берадиган воқеаларга кўра XVI асрнинг охирида ижод қилинган кўринади. Чунки бунда ҳам ўша даврда яратилган эртақлар услуби кўринади. Яъни у жуда оддий ва композицияси уйғун. “Минг бир кеча”даги охириги яратилган эртақларнинг барчасида бўлганидек, бу ҳикоятда ҳам бирма-бир ёритилган ҳаётий саҳна кўринишлари келтирилган. Бегона шаҳарга келиб Абукир ва Абуфирнинг одамларга бўяшни ўргатиши, улар учун ҳаммом

қуриши, жараёнда уларнинг тадбиркорлигининг шоён бўлиши лавҳаларида айнан мисрча эртақлар услубини кўриш мумкин.

Мисрда яратилган эртақларнинг яна бир характерли жиҳаги шундаки, илгари қайд этиб ўтилганидек, Шаҳризода эртақларидаги матнлар бир ҳикоятдан иккинчисига кўчиб юраверади. Айрим ҳолларда унинг шакли ўзгармайди. Айрим ҳолларда эса, маънавий ғояси ўзгаради холос. Демакки, мавжуд материалларни янгилаш ёки қайта ишлаш натижасида янги - янги ҳикоятлар яратилаверади. Ҳар хил материалларнинг қизиқарли лавҳалари баён этилган дидактик ҳикоят бу – “Қамаруззамон ва заргарнинг хотини ҳақида эртақ” [7;121] ва “Аловуддин Абу Ашшамот ҳақида ҳикоят” [7;306] лардир.

Мисрда яратилган, буткул фантастикадан холи ҳикоят бу “Қамаруззамон ва заргарнинг хотини ҳақида эртаги”дир. Мазкур ҳикоят яхши бир савдогарнинг оиласида бир ўғил ва бир қизнинг жуда гўзал хусн билан туғилганлиги лавҳаси билан бошланади. Айнан шу лавҳа “Аловуддин Абу Ашшамот ҳақида ҳикоят” [7;307] да ҳам учрайди. Эртақни уч қисмга бўлиш мумкин. Кириш қисми дарвешнинг кечинмалари ва йигитнинг гўзал қиз таърифига кўра ошиқ бўлиб қолиши баён этилган. Эртақнинг иккинчи қисми бошқа рангларда, унда аёллар макри ва хотинларнинг ёмон ниятлари (заргарнинг хотини мисолида) ёритиладики, заргарнинг хотини қилган айёрлик ва ҳар хил макрларнинг баёноти жуда қизиқ ва ихтирочилик билан баён этилган.

Охирги учинчи қисм – аёллар макридан хабардор тажрибали ота- савдогар, ўз ўғлини тўғри йўлга бошлаши, ёмон хотиннинг жазоланиши, унга қарама-қарши орийатли, заргарга турмушга чиқиб, унинг ўлимидан сўнг шохга иккинчи хотин бўлишдан воз кечган савдогарнинг қизи қўйилади.

Шундай қилиб, анъанавий эронча севги мотиви – “таърифга кўра севиб қолиш” икки шахс орасидаги покиза туйғуларнинг пайдо бўлиши, улар бир-бирини бирор марта ҳам кўрмаган бўлса-да, кўпгина синовлардан сўнг севишганларнинг турмуш қуриши лавҳалари билан бойитилади.

Келиб чиқиши арабча бўлган ҳикоятларда аёл қаҳрамонлар катта рол ўйнайди. Чунки ҳикоятдаги эркаклар ролини бошқариб турадиган катта куч бу – аёлларнинг ундаги ўрни саналади.

Билимли, жасур, зукко қаҳрамон аёл кўпчилик ҳолларда ўзи ва севгилисининг ҳар хил вазиятлардан осонгина чиқиб кетишини таъминлайди. Чунончи, буни биз “Али Шор ва Зумуррад ҳақида ҳикоят” [5;122] даги Зумуррад ва мазмунан мазкур ҳикоятга ўхшаш “Али Нуриддин ва Марям зуннория қиссаси” [6;2] даги Марям образларида кўрамай.

Марям кўпгина қаҳрамонликлар кўрсатиб, жуда кўп тўсиқларни енгади. Муаллиф назарида Марям, аввало мусулмон эканлиги билан гўзал. У ўз ҳамшаҳарларига – французларга қарши курашиб, ўз “этикодини” ҳимоя қилади. Айнан исломга содиқлиги уни ажойиб жангчи даражасига кўтарилганлигини тушунтирмоқчи бўлади. Ҳикоятда Нуриддин умуман бошқача – тажрибали савдогар ўғли, мусулмон ақидаларини бажаришда жуда қаттиққўл. Ҳикоятда ўрта асрлардаги диний руҳ бизга маълум маънавий бефарқлик (қаҳрамонларнинг ота-онасига муносабати) билан уйғунлашган. Эртақ якунида Марямнинг исломга содиқлиги тўғрисидаги сўзларини тинглаган Ҳорун ар-Рашид унга ота-онаси ва акаларига қилганларини ислом йўлида, – деб оқлайди.

“Минг бир кеча”нинг кечки мисрча матнлари ҳам айнан шундай мантиқ билан тўлдирилган. Булар “Аловиддин Абу Ашшамот ҳақида ҳикоят” [7;306], “Ажиб ва Ғариб ҳикояти” [8;76], “Масрур ва унинг маъшуқаси Зайнулмавосиф” [9;445] ҳикоятларидир.

Хулоса шуки, Қоҳира эртақларида қаҳва ҳақида айтиб ўтилгани, ҳар хил жуғрофий ва топографик номлар тилга олингани, тарихий ҳақиқатлар баён этилгани билан ҳам мазкур асар нафақат филологларни, балки тарихчилар эътиборини ҳам ўзига жалб эта олиши аниқ. Чунки буни ҳар бир ҳикоят лавҳаларида воқеа- ҳодиса жараёни ақс этишида дастлаб атроф-муҳитни эгаллаган ҳолат – муҳит ва деталларда кузатишимиз мумкин.

XIV-XVI асрларда Мисрда Мамлуқларнинг бюрократик бошқаруви жамият ҳаётининг барча томонларини қаттиқ назорат қилар эди. Мамлакатда ҳукм сурган руҳий ва ижтимоий

эзилиш бадий ижодда, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижодида ўз аксини топди. Буни биз “Минг бир кеча” эртакларининг охириг яратилган ҳикоятларида кўришимиз мумкин. Чунки, Бағдод ҳикоятларига қараганда “Минг бир кеча”нинг Миср ҳикоятларида XIV–XVI асрлардаги Миср шаҳарларининг ҳаётини кенгроқ ёритиб берилишини кузатиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / С.Муталлибов тарж. – Т.: 1959. 8 жилдлик. Ж.1. – Б. 154.
2. Форук Хуршид. Адва’ `ала-с-сийар аш-ша`биййа. – Қаҳира, 1964. (арабча). – Б. 160.
3. Фильштинский И.М. История арабской литературы X–XVIII века. – М.: 1991. – С. 561.
4. Тысяча и одна ночь. / Пер.с араб. М.А. Салье. Ашгабат, 1993. В.8 т. х. Т. 2. – С. 89.
5. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / С. Муталлибов тарж. – Т.: 1961. 8 жилдлик. Ж.4. – Б. 122.
6. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / А. Расулов ва А. Ирисов тарж. – Т.: 1963. 8 жилдлик. Ж. 8. – Б. 3.
7. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / С.Муталлибов тарж. – Т.: 1960. 8 жилдлик. Ж. 3. – Б. 306.
8. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / А. Ирисов тарж. – Т.: 1962. 8 жилдлик. Ж. 6. – Б. 76.
9. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / А. Расулов тарж. – Т.: 1960. 8 жилдлик. Ж. 7. – Б. 445.
10. [http // wikipedia. org.](http://wikipedia.org)
11. Герхардт М.И. Искусство повествования. Литературное исследование “1001ночи” / Пер.с англ.А.И.Матвеева. –365с.
12. Араб эртаклари: Арабистон ярим ороли халқлари эртаклари. /Араб тилидан Н. Иброҳимов, Т. Мухторов тарж. – Тошкент: Фан, 1994. – 87.